



## XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND VILOYATI KENGASHINING Q A R O R I

2021-yil "19" may

227/31-VI -son

### Самарқанд вилоятидаги айрим аҳоли пунктларини номлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонунининг 4 ва 9-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 5 апрель ва 2021 йил 8 апрелдаги экспертиза хулосалари ҳамда Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг 2020 йил 28 декабрдаги (19-19/232-сон) ва 2021 йил 26 мартдаги (12-12/78-сон) йиғилиш баённомаларини инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг VI чақириқ, XXXI сессияси

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Нуробод ва Нарпай туманларидаги айрим аҳоли пунктлари номлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (А.Умаров), вилоят Статистика бошқармаси (Т.Сидиқов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Ш.Рўзикулов), Нуробод (Ф.Зоиров) ва Нарпай (Ш.Рахмонов) туманлари ҳокимликлари мазкур қарорга мувофиқ номланган аҳоли пунктлари номларини белгиланган тартибда статистик ҳисоботларда акс эттирилишини ва иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

3. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (Ш.Рахмонов), Нуробод (Ф.Зоиров) ва Нарпай (Ш.Рахмонов) туманлари ҳокимликлари номланган аҳоли пунктларига аҳолини рўйхатга қўйиш ҳамда тегишли йўл белгиларини ўзгартириш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширсин.

4. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Ш.Рўзикулов), вилоят Қурилиш

бош бошқармаси (Л.Ҳамидов), Нуробод (Ф.Зоиров) ва Нарпай туманлари ҳокимликлари (Ш.Рахмонов) номланган аҳоли пунктларига белгиланган тартибда замонавий талаблар асосида пешлавҳа ва кўрсаткич белгиларини ўрнатилишини таъминласин.

5. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари - матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази (А.Анваров) мазкур қарорни Lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ўрнатилган тартибда эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Джуракулов) ва вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Ш.Темиров) зиммаларига юклансин.

**Кенгаш раиси**



**Э. Турдимов**

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг

2021 йил “19” майдаги

217/31-V-сонли қарорига  
илова



**Нуробод ва Нарпай туманларидаги айрим аҳоли пунктлари  
номлари**

T/p	Географик объектнинг жойлашган ўрни	Аҳоли пунктнинг амалдаги номи	Ном берилаётган аҳоли пункти
<b>Нуробод тумани</b>			
1.	Меҳнаткаш МФЙ	Номсиз	Олчабулоқ
<b>Нарпай тумани</b>			
1.	Бирлик МФЙ	Номсиз	Афросиёб
2.	Бирлик МФЙ	Номсиз	Замондош
3.	Дўстлик МФЙ	Номсиз	Тохир Малик
4.	Дўстлик МФЙ	Номсиз	Завқий
5.	Дўстлик МФЙ	Номсиз	Ифтихор
6.	Қозиёқли МФЙ	Номсиз	Хуррият
7.	Қозиёқли МФЙ	Номсиз	Исломобод
8.	Тошкўприк МФЙ	Номсиз	Обод
9.	Чайқал МФЙ	Номсиз	Эзгулик
10.	Турон МФЙ	Номсиз	Улус
11.	Обиҳаёт МФЙ	Номсиз	ҚуйиравоТ
12.	Чархин МФЙ	Номсиз	Чархин
13.	Гулистон МФЙ	Номсиз	Шароф Рашидов
14.	Гулистон МФЙ	Номсиз	Қудуқчи
15.	Гулистон МФЙ	Номсиз	Бахт
16.	Гулистон МФЙ	Номсиз	Навбахор

Ижрочи: вилоят ҳокимининг  
маслаҳатчиси

 Ш.Темиров